

№50
(25022)


Gazeta 1914-yil 3-apreldan "Sadoi Farg`ona" nomi bilan chiqqa boshlagan

Ijtimoiy-siyosiy, ★★★ ma'naviy-ma'rifiy gazeta

2025-yil
5-dekabr,
juma

Farg`ona haqiqati

ЧИНАКАМ ХАЛҚ КОНСТИТУЦИЯСИ



Фарход АШМАТОВ,
Фарғона вилоят адлия
бошқармаси бошлиғининг
биринчи ўринбосари,
2-даражали адлия
маслаҳатчиси

Янгиланган Конституция Ўзбекистон жамиятининг эволюцион ривожланишидан келиб чиқаётган ҳаётий зарурат бўлиб, бу — мамлакат, миллат ва халқ сифатида кейинги қадамларимизни аниқлаб олишимиз учун ғоят аҳамиятли масала, адолатли жамият қуриш йўлидаги улкан қадамдир.

Мамлакатимиз ҳар жиҳатдан катта давлатга айланмоқда. Аҳолимиз 2040 йилга бориб 50 миллионга етиши кутилмоқда. Жамиятнинг ярмидан кўпни ёшлар ташкил қилади. Уларга муносиб ҳаёт шароити яратиш учун эса барқарор иқтисодиёт, хавфсиз давлат,

самарали бошқарув, ижтимоий кафолатлар бўлиши лозим. Булар ва бошқа кўпдан-кўп муаммолар ечими мустахкам ҳуқуқий пойдеворни — янгиланган Ўзбекистон Конституциясини қабул қилишни тақозо этди.

(Давоми 2-бетда).

- АҚШда вафот этган Авазхон Мухторов ким эди?
- Вилоят ҳокимлигига номзод қандай танланган?
- Ислон Каримов фикрини ким ўзгартирди?
- Олий суд раиси Мингбоевнинг оқлов қарори.
- 20 йиллик қочоқдан қайтган Муқимжон Жўраев ҳозир қаерда?

Шу ва яна бошқа саволларга газетада
чоп этилаётган
куйдаги таҳлилий
эссе — журналист
хотираларидан жавоб
топасиз.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист

Бу хабар бир зумда тарқалиб
кетди. Кўча-кўйда ҳам, хонадон-
ларда ҳам билган-у билмаган-
лар оғзида бир гап — Мухторов
Америкада қазо қилибди...

ҚИСМАТНИ ТАҚДИР ЭМАС, ҚИЛМИШ БЕЛГИЛАЙДИ (МИ?)

Фарғона аҳли, гарчи орадан 32 йил ўтган бўлса-да, уни яхши эслайди. Юзлашган, тўқнашган ва зулм кўрганларку... У ҳақида қавм-қариндоши, ота-онасидан эшитганлар қанча!
— Ташкилотчилиги қанча бўлса, адолатсизлиги, зулми ҳам шунча эди унинг. — Аксариyat одамлар уни шундай эслаб қолгандилар.

(Давоми 3-бетда).

ЧИҚИНДИДАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ



ЎЗБЕКИСТОН
— ХИТОЙ
ИҚТИСОДИЙ МУ-
НОСАБАТЛАРИ
ЮҚОРИ ДАРА-
ЖАГА ЧИҚДИ,
ДЕЙИШ МУМ-
КИН. БУ ҲАМКОР
ДАВЛАТНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН
ТАШҚИ САВДО
АЙЛАНМАСИ-
ДАГИ УРНИ
БИР ДАРАЖА
ЮҚОРИГА
КўТАРИЛДИ
ВА БИРИНЧИ
ҚАТОРДАН
ЖОЙ ОЛДИ.
Бунда ҲАР
ИККИ ДАВЛАТ
РАҲБАРЛАРИ
ИМЗОЛАГАН
ШАРТНОМА, БИ-
ТИМ, КЕЛИШУВ-
ЛАР ПОЙДЕВОР
БўЛДИ.



Ф

арғона вилоятидаги қиймати 148 миллион АҚШ доллари бўлган чиқиндини қайта ишлаш заводи ҳам ана шу ҳамкорлик — инвестицион лойиҳаси асосида бунёд этилмоқда. Уни "China everbright group Co., LTD" қуриб ишга туширади.

Шундай қилиб, Фарғонада Хитойнинг яна бир корхонаси рўйхатдан ўтди ва шу кунларда иш бошлади. У кунига 1500 тонна чиқиндиларни қайта ишлайдиган завод қуради ва 45 м² ли иккита трубина орқали чиқиндини электр қувватига айлантиради. Бу ерда туну кун қурилиш

ишлари амалга оширилмоқда.

Хитойлик ҳамкорлар учта асосий йўналишга эътибор қаратади: қаттиқ чиқиндиларни қайта ишлайди ва уни энергияга айлантиради, яшил атроф-муҳитни муҳофаза қилади ва сувни тозалайди. Компания дунёнинг Германия, Польша, Вьетнам каби қўллаб-мамлakatларида шу каби заводлар қуриб, фойдаланишга топширган.

Фарғона вилоятидаги лойиҳа 10 гектар майдонни эгаллайди. Қурилиш муддати 24 ой этиб белгиланган.

"Фарғона ҳақиқати" муҳбири.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

ГУЛНОЗАХОН 1000 ДОЛЛАР МИҚДОРИДА МАОШ ОЛЯПТИ

Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг марказида билимли, салоҳиятли ва фидойи авлодни тарбиялаш масаласи ҳам ўрин олган. Бунинг энг муҳим бўғини — таълим тизими ва унинг бош қахрамони бўлган ўқитувчидир.

Қайд этиш лозимки, ўқитувчиларнинг 1000 АҚШ доллари миқдорига маош олиши бугун реал ҳодисага айланди. Бу шунчаки баландпарвоз гап эмас, балки амалий натижалар билан исботланаётган ҳақиқатдир.

Гулноза Олтиева Қўқон давлат педагогика институтининг филология факультетини тамомлаб, Бувайда туманидаги 4-умумтаълим мактабида иш бошлаганига бу йил ўн уч йил тўлди. Ўтган давр ундан шиддат билан ривожланаётган замонда муаллим замонавий фикрлайдиган, юксак билим ва илғор педагогик технологияларни мукаммал эгаллаган бўлиши лозимлигини ўргатди. Таълим жараёнига янгича ёндашувлар асосида инновацион усуллари муваффақият билан



қўллаб олишни ҳаётий шиорига айлантирди.

(Давоми 2-бетда).

(Бошланиши 1-бетда).

Хўш, ўзи Америкада оламдан ўтса-да, Фарғона, Марғилон аҳлига ўтмиш воқеаларини ёдга солган ким эди ўзи?

Унинг асл исми Авазхон Мухторов бўлса-да, атрофдаги ва кўл остидагилар “хўжайин” деб атардилар. Ва бу унга ёқарди.

Авазхон Мухторов Марғилон шаҳрида 1947 йилда туғилган. Ўзининг яқинлари ичида бўлганида, таъкидлашича, болалик ва ёшлигида жуда шўх, қайсар, тенгқурлари орасида “зўравон” бўлган. Уйлари деҳқон бозори яқинида эканидан, ҳаммавақт у ердан келмай, ҳатто болаликда “қовун ўғрибошиси” бўлганидан ғурурланар эди.

Мактабни тугаллагач, Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирган. Бунда савдогар акаси Темурхон қўллаб-қувватлаганини ахён-ахёнда гапириб қўярди. Талабалик йиллари кўз очиб юмгунча ўтди. Энди у баланд бўйли, келишган, қарашлари қатъий, сўзамол йигит эди. Айтишларича, акасининг ҳамкасблари ўртага тушиб, ўша пайтдаги вилоят партия комитети иш бошқарувчиси Жалол Жамолловнинг қизига совчи қўйишди.

Жалол Жамолов ўз даврининг мавқеси баланд амалдори, бойларидан бири эди. Шу билан бирга, у узоқни ўйларди. Вилоятда университет ҳуқуқшунослик факультетини битирганлар ҳам бўлгани учун ҳам ёш йигитнинг истикболини тасаввур қилиб кўрди. Агар ўзи салгина қўллаб юборса-чи?

Шундай ҳам бўлди. Тўйдан кейин куёвбола прокуратура тизимига терговчи этиб ишга олинди. Бир йил ўтар-ўтмас, Тошлоқ, Қува районлари, кейин Марғилон шаҳрига прокурор этиб тайинланди. Ундаги бошқарув қобилияти, шиддат, қатъият, баланд руҳ туфайли ишлаган жойидаги партия қўмитаси раҳбарлари норасмий равишда бўлса-да, у билан ҳисоблашардилар. Энди у район ёки шаҳар миқёсига сиғмай қолгандек сезарди ўзини. Ушанда тарих Ўзбекистонга мустақиллик келтирди. Партия давлат бошқарувидан четлатилди. Ҳокимият тизими тизгинни олди.

Авазхон Мухторов дастлаб вилоят, кейинроқ мамлакат миқёсидаги раҳбарлик амалларини кўзлай бошлади. Лекин юқори лавозимга чиқиш учун у Президентга яқин одам топишим зарур деб ҳисобларди. Шунда унинг кўчасида байрам бўладиган воқеа рўй берди. Асли афғонистонлик Абдурауф Мақсудий Президент Ислом Каримовга қуда бўлди. Мақсудийнинг ота-боболари марғилонлик бўлиб, XX асрнинг йигирманчи йиллари — қатағон ва “қулоқ ҳаракати” даврида водийдан Афғонистонга қочиб кетишганди.

Мақсудийлар оиласидаги Абдурауф тужорорлик туфайли бадавлат бойлардан бирига айланди ва Америкага кўчиб кетди. Президент билан АҚШдаги учрашувидан кейин (мазкур учрашувда унинг ўғли Мансур Мақсудий ҳам иштирок этган) улар қуда бўлдилар: Гулнора Каримова Мақсудийлар оиласига келин бўлиб тушди.

Ана шундай дориламон кунларнинг бирида Абдурауф Мақсудий ота яқинларини излаб Марғилонга келади ва бу ерда унга узоқроқ бўлса-да, жиянлари борлигини аниқлайди. Мақсудий уларнинг бири — Муртазохон аканинг хонадонига келади. Қариндошлари топилади ва учрашадилар. Бундай хабар Авазхон учун гўё “Оллохнинг неъмат”и эди. У дарҳол Муртазохон ака уйига келади, ўзини бу оилага яқин қариндошлардек тутайди ва Абдурауф Мақсудийга чексиз эҳтиром кўрсатади, олий даражадаги меҳмондорчиликлар ташкил қилади, сахийлик, ҳотамтойлик кўрсатиб қимматбаҳо совғалар тортиқ этади. Бундай ҳол Абдурауф Мақсудийга маъқул тушади. Чунки у тужжор. Савдогарлар эса пул қадрини яхши биладилар.

Абдурауф Мақсудий ва Авазхон Мухторов ўртасидаги муносабат шу қадар яқинлашадикки, ўша пайтда таркаган гапларга қараганда, “қуда буво” Президентни Мухторов сизга энг садоқатли инсон, дея ишонтира олган. Шундан сўнг Мухторов Ўзбекистон Президентини ҳузурдаги давлат назорат комитетининг Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғига айланади.

Аслида янги тузилма ваколатлариغا кирадими-йўқми, билмадигу, Мухторов барча кучишлатар тизим, ҳокимият раҳбарларини ҳам ўзининг оғзига қараб турадиган қилиб қўйган. Чексиз ҳокимият Авазхон табиятидаги

очилмаган қирраларини намоён этди. У вилоятда мутлоқ ҳокимият эгасиман, деб ҳис қиларди ўзини. Унинг номини эшитган одам борки, хушёр тортарди. Йиғилишларда минбарда, вилоят ҳокими ёнида ўтирарди. Мухторов Мақсудий туфайли республика раҳбарлари орасида ҳам тез-тез кўриниш берар, уларга ҳам кибр билан муносабат қиларди. Ундаги руҳий қатъиятдан вазирлар ҳам “чўчиб” қолганига неча бор гувоҳ бўлганман.

Энди Мухторов учун янги поғона



керак бўлиб қолди. Бу маслаҳат кимдан чиққанини билмайман, аммо унга “Аввал бир оз бўлса-да, вилоят ҳокими бўлиб ишлашинг керак, ана ундан кейин...” деб тавсия берганлар. Бу вақтга келиб Мухторов мамлакат миқёсидаги олий раҳбарият маслаҳатчиларига ҳам ақинлашиб улгурган эди. Чунки у мақсадига етиш учун ҳеч нарсани аямайдиганлар тоифасидан бўлган. Хуллас, 1992 йилнинг илк ойларида мамлакатдаги бошқарувнинг вилоят кенгашлари вилоят ҳокимлигига айланди.

Деярли барча вилоятларда ташкилий сессиялар бўлиб ўтди. Жумладан, Фарғонада ҳам.

Одатда сессиядан бир кун аввал Президент давлат маслаҳатчиси вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, баъзида ҳокимларнинг ҳам иштирокида тоқ доирада йиғилиш ўтказар ва унда вилоят раҳбарлиги лавозимига номзод эълон қилиниб, у ҳақидаги фикрлар сўраларди. Бу гал Фарғонада ҳаммаси ўзгача бўлди. Ислом Каримов сессия тайинланган кундан бир кун аввал Фарғонага келди ва ҳоким лавозимига номзод ҳақида депутат ва шаҳар-туман ҳокимлари фикрини шахсан ўзи билмокчи бўлди.

1992 йил 14 июль. Фарғона вилояти ҳокимлиги биносининг иккинчи қаватидаги хоналарнинг бири. Бу ерга шаҳар ва туман ҳокимлари, Олий Мажлис депутатлари йиғилган. Хонага Президент Ислом Каримов билан бирга, Исмоил Жўрабеков ва Мавлон Умрзоқов кириб келишди.

— Фарғона иқтисодий жиҳатдан мамлакатнинг қудратли вилояти. Шунинг учун бу ерга фидойи, ватанпарвар, доно сиёсатчи раҳбар керак, — деди Исмоил Жўрабеков гапни масала моҳиятидан бошлаб.

— Ислом Абдуғаниевич эртага, халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида бу лавозимга Авазхон Мухторовни тавсия этмоқчилар. Бу номзод ҳақида ҳар ким ўз фикрини айтсин.

Каримов бош силкиб, Жўрабеков сўзларини маъқуллади.

Ҳеч ким биринчи бўлиб сўз бошлашга ботина олмаётган эди, Жўрабеков ёрдам берди:

— Биласизлар, Мухторов узоқ йиллар прокурор лавозимига ишлаган. Сўнгги пайтда эса Ўзбекистон Президентини ҳузурдаги давлат назорати қўмитасининг вилоят бошқармасини бошқариб келяпти. Яхши юрист.

Шундан кейин бир-икки киши “муносиб номзод”, деди.

Лекин Президент бу жавобдан қониқмаётган эди. У Мухторов ҳақида аниқ фикр, тавсиф эши-

тишни истарди.

— Эртага у билан сизлар иш-лайсизлар, шунинг учун номзод-га муносабатингизни аниқроқ билдиринг, — деди бир оз норози оҳангда Каримов.

— Руҳсат берсангиз, мен фикримни айтсам.

Президент қаршисида тик турган йигитни таниди. У Тошлоқ райони ҳокими Қахрамон Сотволдиев эди. Олий Мажлис сессиясида бюджет муҳокамаси чоғи жўяйи таклифлари билан сўзга чиққан.

— Марҳамат, мен сизларни тинг-

ган. Қолаверса, у Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати ҳам эди.

Президент ҳар қандай ҳолатни кутган бўлса-да, бунақасини ҳаёлига ҳам келтирмаганди. У қўлидаги ручканинг ҳали у ён, ҳали бу ёнини столга урарди. Битта шахс ҳақида икки хил фикр. Лекин қатъий қарор қабул қилиши керак у.

— Бу сизнинг шахсий фикрингиз, — деди норози оҳанг ва нигоҳ билан Жўрабеков. — Бошқалар нима дейди?

Шаҳар-район раҳбарлари Аваз-

ҚИСМАТНИ ТАҚДИР ЭМАС, ҚИЛМИШ БЕЛГИЛАЙДИ (МИ?)

хон Мухторов давлат назорати қўмитаси вилоят бошқармаси бошлиғи бўлиб тайинлангач, аслида раҳбар ким эканлигига тушунмай қолган эди. Уша пайтдаги вилоят раҳбари Ғуллом Фозилов бир йўналиш белгиласа, Мухторов аксини талаб этарди улардан. Президентнинг сукут сақлаётгани унинг Сотволдиев эътирозларини қабул қилганимикан? Шу ўйда турган Данғара райони ҳокими Олимжон Юсупов ўзида журъат топди:

— Сотволдиев тўғри айтяпти Исло Абдуғаниевич, Мухторов аввал халқ билан мулоқотни ўрганса яхши бўлар эди...

Хонадаги бошқа раҳбарлар ҳам “шундай-шундай” деб Олимжон Юсуповни қувватладилар.

Жўрабеков энди нимадир демоқчи эди, Президент уни тўтхатади-ю, ўрнидан туриб, бир сўз айтмай эшик томон юрди.

Ислом Каримов ичидagi саволларга жавоб топгандек эди. Лекин...

Шу тунда ва эртаси эрталаб қандай воқеалар рўй берди, менга қоронғу. Аммо ташкилий сессияда Ғулмонжон Фозилов лавозимидан озод этилиб, Мирзажон Исмолов Фарғона вилояти ҳокими, Авазхон Мухторов эса унинг биринчи ўринбосари этиб тайинланди...

Авазхон Мухторов ҳоким бўлолмай қолганидан аламда эди. Шундай бўлса-да, биринчи кунданок ҳокимиятни ўз қўлига олди. Исмолов расман ҳоким. Аммо вилоят идора, ташкилот, йирик корхона, шаҳар-район раҳбарлари барча масалаларда аввал Мухторов олдига кириб масалани келишар, ҳал қилар эди. Агар у руҳсат берса, шундан кейингина бу ҳақида вилоят ҳокимини хабардор қилиб қўядилар. Мухторовдан аввал ҳокимга кириб қўйган айрим раҳбарлар “адабини еган” ҳи лавозимидан четлатилган. Шундан кейин эл ичида “Исмолов Мухторовнинг сояси” деган гап тарқалиб кетди.

Авазхон Мухторов юриш-туриши билан ҳамманинг, жумладан республика ҳукумати аъзоларининг ҳам кўнглига кўркүв солган. Унинг вилоят ҳокимлигидаги кабинетини олд йўлга тўсиб қўйилган бўлиб, автомат кўтарган икки барваста рус йигитлари қўриқлашар эди. Ўзи ҳамиша ёнида пистолет осиб юрарди. Ҳайдовчиси ёнидаги ўриндиқда эса ҳар доим забардаст йигит автоматини шай ҳолда тутиб ҳамроҳлик қилган. Бунини кўрган одамлар, раҳбарлар бор-ки, дуч келса, савол берса тили каллимага келмай қоларди. У эса барчага масхаралагандек муносабатда бўлган.

Бутун Фарғонага, ҳатто мамлакат ҳукумати раҳбарларига ҳам таъсири кундан-кун ортиб бораётган Авазхон Мухторовнинг алами ичида. У ҳоким бўлолмади. Бунга эса Қахрамон Сотволдиев айбдор деб биларди. Шунинг учун вилоят ҳокимиятидаги фаолиятининг дастлабки куниданоқ унга

зимдан қарши ишлай бошлади. Ҳалол, адолатли, халқ суйган ҳокимга қарши “далил”лар керак эди. Тополмаса, ташкил қилишдан ҳам тоймасди. Чунки Қахрамон Сотволдиевнинг Тошлоқ районида раҳбарлик қилиб юриши унга тинчлик бермай қўйганди. Янги амал, бошқа имкониятлар, таниш-билишларини аллақачон ишга солган. Аммо улар “компромат” сўрашар эди...

Шундай кунларнинг бирида, 1992 йил 28 сентябрда менга, Ўзбекистон телевидениесининг

Мен гап нимада эканини англай олмадим. Қахрамон Сотволдиев... Ҳа у Тошлоқ ҳокими-ку, лекин у мени нега сотиб олиши керак? Шу ўйлар бошимда айланарди-ю, тилим гўё қотиб қолгандай, каллимага келмасди.

— Мен ҳеч нимани тушунма-япман, — дея олдим аранг паст овозда.

— Ие-е, ўзингни овсарликка сол-япсанми?

— Эртага Тошлоқда ташкилий сессия бўлиши, ҳоким ишдан олиниши керак эди. Шунинг учун ҳам Қахрамон сени ёллаган. Тошлоқ ҳақида ёлғондакам репортаж қилиб, айнан Президент кўрадиган “Ахборот”да чиқаргансан. Бу учун ундан қанча, қаерда, ким орқали пул олганингни айтасан. Бўмаса қаматаман!

Мухторовни узоқ йиллардан буюн танир эдим. У ҳам аслида мени яхши билади. Президентнинг мамлакат ҳудудларига сафарларида муҳбир сифатида ҳамроҳлик қилиб туришим, давлат раҳбари мени шахсан танишидан ҳам хабардор бўлса-да, буни тан олгиси келмасди. Ақсинча, бундан гашланарди. Прокурорлик чоғида унинг ясама айбловлари билан судланган Бахтиёр Охунновга оқлов ҳукми чиқарилгани ҳақидаги хабаримдан сўнг менга тиш қайрай бошлаган. Энди эса...

Мен ўзимни қўлга олдим. Тошкент мени қаматиб қўйиб томошабин бўлиб турмас, деган ўйдан танамга илиқлик юрди.

— Биринчидан, мен телевидение раҳбарияти топшириғи билан Тошлоқдан материал тайёрладим. Иккинчидан, Қахрамон Сотволдиев бу ҳақида билгани ҳам йўқ, уни хабардор қилишга вақт йўқ эди. Учинчидан, Қахрамон Сотволдиев Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати, район раҳбари. Бу райондан ижобий репортажлар бериб туришдан тийилиш ҳақида ҳеч ким ҳеч нима демаган менга.

— Ҳали сенга ҳисобот беришимиз керакмиди? — Мухторов столни бир муштлаган эди кофе идиши ағанаб кетди. — Отангини таниганим учун ҳам сенга йигирма тўрт соат муҳлат, Фарғонадан қорангни ўчири. Йўқса, сўзим сўз, умринг қамокда ўтади. Йўқол! (Бу сўзларга кимдир гўмон қилар. Лекин у ҳамон хозиргина айтилгандек қулоғим остида жаранглаб турибди)

Менга ҳукми ўқилганди.

Уйга қайтиб хотинимга (бечора, не кунларни кўрмаган мен туфайли) бўлган гапни айтдим.

— Тошкентга бораман, Яхяев (теледади қўмитаси раиси) билан гаплашаман. Балки ҳаммаси яхши бўлар, бўлмаса сизларни яна Тошкентга олиб кетаман, кўп хафа бўлманглар, — дедим унга масалани ётиғи билан тушунтириб.

Бояқиш нима ҳам қила оларди, кўнадида. Ул-бул кийимлардан олиб, пойтахтга йўлга чиқдим.

— Ахир сен Мухторовнинг феъл-лини билардинг, айб ўзингда, Тошлоққа бормаслигинг керак эди-да, — деди раис гўё кечагина менга берган топшириғини унутгандек. Қолаверса, “Ахборот” унинг тасдиғидан кейингина эфирга берилади. Билдимки, Мухторов раисни ҳам йўлига солган. — Ҳа, майли, бўлар иш бўлибди, шу ерда ишлайверасан.

Раис бу гапларни шу қадар беписандлик билан айтар эдики, гўё қаршисидаги инсон, унинг тақдирини хал бўлаётганига мутлақо дахлсиздек.

— Шу кунларда Россиядан нуфузли делегация келади, уни ёритишга тайёрларик кўр!

Бу гап тамом дегани. Наилож? Хар галгидек, Ўзбекистон — Россия муносабатлари ҳақида озгина бўлса-да, маълумот йиғдим. Музокара кун тартибидидаги мавзуларни ўргандим.

Орадан кўп ўтмай Россия ҳукумати аъзолари Ўзбекистонга келди. Улар, жумладан, sanoat корхоналарига ҳам бордилар. Сафар яқинида меҳмонларни аэропортда кузатиш чоғи, мен имкон топиб, кимё sanoati вазирлиғи вакилидан интервью олдим.

Уша кунлари Россиянинг бир неча оммавий ахборот воситалари “Ўзбекистон мустақилликка эришгач, муҳим sanoat тармоқларида жиддий муаммолар қикди. Сабаб — русзабон мутахассисларнинг мамлакатдан оммавий равишда кўчиб кетаётгани,” деган қабилда ахборот тарқатаётган эди. Мен қаршимдаги амалдордан “Ўзбекистондаги реал аҳвол билан танишдингиз, Россия журналистларининг ҳулосаси, жумладан, кечагина “Комсомольская правда” газетасида босилган шу мавзудаги мақола юзасидан нима дея оласиз?”, деб сўрадим.

Dezdiplomati.uz дан олинди.

(Давоми газетанинг келгуси сониди).

